

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ЯХЯЕВ АБДУЛЛА АБДУЖАББОРОВИЧ

**ШАҲАРЛАР КОМПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ВЕРТИКАЛ ИНШОТЛАР**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on architecture**

Яхяев Абдулла Абдужабборович

Шаҳарлар композициясини шакллантиришда вертикал иншоотлар 3

Яхяев Абдулла Абдужабборович

Вертикальные сооружения в формировании городских композиций 23

Yahyaev Abdulla Abdujabborovich

Vertical structures in formation of urban compositions 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ЯХЯЕВ АБДУЛЛА АБДУЖАББОРОВИЧ

**ШАҲАРЛАР КОМПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ВЕРТИКАЛ ИНШОТЛАР**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/A16-ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Хоразм Маъмун Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида <http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/122-ixtisoslashgan-kengashlar.html> ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Дурдиева Гавхар Салаевна
архитектура фанлари доктори (DSc), катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: Юсунова Мавлюда Аминжановна
архитектура фанлари доктори, профессор
Пўлатов Хайрулла Шомуборакевич
архитектура фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Диссертация химожи Тошкент архитектура-қурилиш институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2020 йил «25» 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент, А.Қодирий кўчаси, 7В-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. Тел.: +99871 235-43-30; факс: +99871 234-15-11; web: www.taqi.uz; e-mail: devon@taqi.uz.)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (50-ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: +99871 234-60-16.

Диссертация автореферати 2020 йил «12» 12 куни тарқатилди.
(2020 йил «12» 12 даги 23 рақамли реестр баённомаси).



Д.А. Нозилов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, арх.д., профессор

Т.Ш. Маматмусаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, арх.ф.д.

Т.А. Ҳидоятлов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, арх.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўпгина давлатларида тарихий шаҳарларнинг қадимий ва ўрта асрларга мансуб вертикал иншоотлари ва доминант ёдгорликларини сақлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Ҳозирда жаҳон шаҳарсозлиги амалиётида қадимдан шаклланиб келган доминант иншоотлар ва қадимий ёдгорликлар, жумладан Миср эҳромлари, Бобил минораси, қадимий шаҳарлардаги зиккуратлар, Искандариядаги Фарос маёғи, Қоҳира миноралари, Ал-Малвия минораси, Гумбази Қобус мақбараси ва бошқа иншоотларни муҳофаза қилиш ва уларнинг режавий ечимига эътибор бериш эҳтиёжи туғилмоқда. Бу борада тарихий шаҳарларда муҳим аҳамиятга эга бўлган мажмуалар, муқаддас қадамжолар, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, археологик қазилма ишларида аниқланган вертикал иншоотлар ва қадимий ёдгорликларини ўрганиш зарурати намоён бўлмоқда.

Жаҳон миқёсида шаҳарсозликда вертикал композицияларни шакллантирувчи баланд вертикал иншоотларнинг пайдо бўлиши, эволюцион тараққиёти, шаҳарсозлик тизимларини сақлаш, қайта қуриш ва модернизациялашга бағишланган илмий тадқиқотларда вертикал иншоотларни шаҳар структурасида самарали жойлаштириш, тарихий ва замонавий иншоотларни бир-бири билан уйғунлаштириш, инсоляция, аэрация ва муҳандислик тармоқлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу илмий тадқиқотларда анъанавий шаҳарсозлик меросига айланган вертикал иншоотларни сақлаб қолиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тарихий-меъморий хусусиятларини илмий тадқиқ этиш, тарихий шаҳарларнинг режавий структурасига аниқликлар киритиш, шаҳарсозлик тизимида вертикал иморатларни композицион жойлаштириш йўллари ўрганиш ва уларнинг илмий-назарий асосларини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда тарихий шаҳарларнинг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва сақлаш борасида Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Қўқон, Тошкент ва бошқа тарихий шаҳарлар марказларидаги доминант ансамблларни таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари охириги йилларда самарали амалга ошириб келинмоқда. «Маданий мерос объектлари халқнинг бебаҳо бойлиги, уларни асраш ва авлодларга безавол етказиш барчамизнинг бурчимиздир. ...Юртимиздаги тарихий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини обод этиш бўйича олдимизда ҳали қанчадан-қанча вазифалар турибди»¹. Ҳозирда мутахассислар томонидан тарихий шаҳар вертикал тузилмаларининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари, уларни қайта қуришда қандай тамойилларга асосланиши бўйича комплекс тарзда илмий тадқиқот яратилмаганлиги тарихий шаҳарларни модернизациялашда турли муаммоларни юзага келтирмоқда. Бугунги кунда тарихий шаҳарлар вертикал иншоотларининг шаклланиш йўллари, тузилиши,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар билан бўлган йиғилишдаги маърузаси. «Халқ сўзи». – 2017. -13 июль. №137 (6831).

схематик жойлашувини ўрганиш ва уларнинг назарий асосларини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПФ-5030-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек 2018 йил 16 январдаги ПҚ-5181-сон «Моддий, маданий ва археологик мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни, маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон меъморчилигида вертикал иншоотлар қурилишига талаб ошган сари уларнинг шаҳарсозлик нуқтаи назаридан жойлашуви, меъморий-ҳажмий композицияси билан шаҳарларнинг анъанавий вертикал композицияси орасида юзага келган жиддий муносабатларни ҳал этишда мутаносиб ижтимоий, эстетик-бадий қулайликлар яратиш масалалари шаҳарсозликнинг ривожланиш босқичларида тадқиқотчиларнинг диққат эътиборида бўлган. Чет эллик машҳур мутахассислардан J.Bloom², R.Hillenbrand³, C.Creswell⁴, Le Corbuse⁵ ва бошқаларнинг ижодий ишлари, Н.Баранов⁶, А.Бунин⁷, К.Линч⁸, З.Гидион⁹, М.Бархин¹⁰, В.Лавров¹¹ каби шаҳарсозлик соҳасидаги кўплаб тадқиқотчилар замонавий шаҳарларнинг тархий-меъморий ечим ва кўринишларининг шаклланиш қонуниятларини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Ўзбекистон шаҳарсозлигида ғайри табиий кескин ўзгаришлар XIX аср охиридан бошланганини ҳисобга олганда, яъни шаҳарлар миқёсида бош режаларни лойиҳалаш ва улар орқали оврупача шаҳарсозлик тизимини киритиш йўлга қўйилишидан бошланган даврни тадқиқ этиш билан Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлиги ривожига илмий-танқидий баҳо бериш мумкин.

² Bloom J. Minaret: Symbol of Islam, Oxford Studies in Islamic Art VII, Oxford, 1989.

³ Hillenbrand R. Islamic Architecture, Edinburgh 1994, 129ff.

⁴ Creswell C. The evolution of the minaret with special reference to Egypt. The Burlington Magazine. 1926. March-June.

⁵ Ле Корбюзье. Модуль. Мод 1. Мод 2. – М.: 1976.

⁶ Баранов Н.В. Главный архитектор города. – М.: «Стройиздат», 1979.

⁷ Бунин А.А. Градостроительство XX века в странах капиталистического мира. М.: Стройиздат, 1979.

⁸ Линч К. Образ города. М. 1974.

⁹ Гидион З. Пространство. Время. Архитектура. М.1975

¹⁰ Бархин М.Г. Город, структура и композиция. М.1986

¹¹ Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. – М.: 1950 г.

Бу даврни тадқиқ этган қуйидаги мутахассисларнинг ишлари диққатга сазовордир: Ш.Д.Асқаров¹², М.Қ.Аҳмедов¹³, Т.Ф.Қодирова¹⁴, М.А.Юсупова¹⁵, Г.С.Дурдиева¹⁶, Т.Ш.Маматмусаев¹⁷ ва бошқаларнинг изланишлари тарихий шаҳарларда XIX аср мобайнида бунёд этилган меъморий иншоотлар ва мажмуаларни шаклланиш таҳлили залворли ҳамда уларнинг замонавий шаҳарсозликдаги ўрнини белгилашга қилинган хулосалари диққатга сазовордир. П.Зоҳидов¹⁸, В.Л.Воронина¹⁹, М.Булатов²⁰, Н.Немцева²¹, Д.А.Нозилов²², И.Ноткин²³, Е.Асеева²⁴ ва бошқаларнинг тадқиқотларида қадимий шаҳарларнинг вертикал композициясини шакллантирган маҳобатли иншоотларга оид қимматли маълумотлар мавжуд. Л.Ю.Маньковская²⁵, И.Азимов²⁶, А.С.Уралов²⁷, Х.Ш.Пўлатов²⁸ ва бошқа кўплаб олим ҳамда тадқиқотчиларнинг ишларида Ўзбекистон шаҳарсозлиги тарихига оид қизиқарли мулоҳазалар мавжуд. Ўзбекистон ҳудудидаги вертикал иншоотлар турига кирадиган вертикал иншоотларнинг айримлари (Бухоро, Вобкент шаҳарларидаги) А.Нильсен²⁹, Г.Пугаченкова³⁰ томонидан тадқиқ қилинган. Л.Воронин³¹, А.Асанов³², А.Прибыткова³³ Н.В.Баранов³⁴, М.Г.Бархин³⁵ ва бошқалар ҳам миноралар мавзусининг айрим масалаларига оид изланишлар олиб борганлар. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўҳна-Урганч шаҳарларидаги айрим миноралар XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, «Таъмиршунослик» илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти ходимлари томонидан махсус лойиҳалар асосида таъмирланган.

¹² Асқаров Ш.Д. Архитектура Узбекистана и стран СНГ. – Т.: 2012.

¹³ Аҳмедов.М.Қ. Пути развития средневековых архитектурных ансамблей Узбекистана. – Т.: 2014.

¹⁴ Қодирова Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX – начала XXI вв. – Т.: Издательство ТАСИ, 2007.

¹⁵ Юсупова М.А. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. (конец XIX начало XX вв.) – Т.: «Print–s». – 2005.

¹⁶ Дурдиева Г.С. Хивадаги «Ислохўжа» минорасининг баландлигини аниқлашдаги геодезик ўлчаш ишлари. в сб. Проблемы архитектуры и строительства. 2011. № 2

¹⁷ Маматмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши. Монография – Т.: 2019.

¹⁸ Зоҳидов П. Ш. Меъмор олами. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 59.

¹⁹ Воронина В.Л. Сырцовые минареты верховьев Зарафшона.

²⁰ Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. М.1978.

²¹ Немцева Н.Б. Работи-Малик. в кн. «Художественная культура Средней Азии (IX-нач. XX вв)». Т.1980

²² Нозилов Д.А. Ўрта Осиё меъморчилигида одатлар, қоидалар ва рамзий ифодалар. – Т.:2011.

²³ Ноткин И.И. Хива миноралари. Тошкент: «Ўзбекистон», 1978. 6 б.

²⁴ Асеева Е.А. Минареты-символы уникальной исламской архитектуры. 1979.

²⁵ Маньковская Л.Ю. Хива. Музей под открытым небом. Т.1982.

²⁶ Азимов И. Хива миноралари. – Т.: «Санъат». 2002. № 7.

²⁷ Уралов А.С., Қодирова Т.Ф. «Ўрта Осиё архитектура ёдгорликларининг типологик асослари». – Т.: 2012. Б.51.

²⁸ Пўлатов Х.Ш. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари. Дарслик. ТАҚИ, Тошкент, 2013 йил.

²⁹ Нильсен В.А. Монументальная архитектура Бухарского оазиса XI-XII века. – Т.: 1956. стр. 83, 91.

³⁰ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины XIX века. –М.:1965. стр. 200-201

³¹ Воронин Л.Н. Сооружения башенного типа в архитектуре Востока и их генезис. – Т.: Труды САИИ. вып 1. 1937.

³² Асанов А.А. О некоторых конструктивных особенностях среднеазиатских минаретов. в ж. «Строительство и архитектура Узбекистана». 1973. № 4

³³ Прибыткова А.М. Конструктивные особенности среднеазиатских минаретов X-XII вв. «Архитектурное наследия». –М.: 1964. № 17.

³⁴ Баранов Н.В. Главный архитектор города. – М.: «Стройиздат», 1979.

³⁵ Бархин М.Г. Архитектура и город. – М.: «Наука», 1979.

Бугунги кунда тарихий шаҳарларнинг вертикал акцент иншоотлари ва уларнинг шаҳарлар композициясидаги ўрни, шаҳарсозликнинг истиқболли режаларидаги аҳамиятига оид тадқиқот ишлари ҳозирча олиб борилмаганлиги ушбу мавзуни чуқурроқ ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Хоразм Маъмун академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИГ-9.14 рақамли «Жанубий Оролбўйи маданий меросини илмий тадқиқ қилиш ва улар бўйича «маълумотлар базаси»ни яратиш (меъморий ёдгорликлар ва амалий санъат мисолида)» (2014-2015 йй.) ва ЁФ1-ФА-Г003 рақамли «Мустақиллик йилларида Хоразм бадиий санъатининг ривожини» (2016-2017 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарсозлигида доминант вазифасини бажарган шаҳар силуэтидаги вертикал иншоотларнинг композицион тузилишини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илк вертикал иншоотларнинг шаҳарсозлик композициялари шаклланишидаги ўрнини белгилаш;

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарсозлигида шаклланган мавжуд вертикал композицияларни таснифлаш;

шаҳарсозликда шаклланган қадимий тик вертикал иншоотларни таҳлил этиш;

вертикал иншоотларнинг қурилмалари, қурилиш ашёлари ва уларнинг ишлатилишига оид маълумотлар базасини ишлаб чиқиш;

АКТ (ахборот коммуникация технологиялари) ёрдамида вертикал иншоотларнинг схематик чизмаларини тайёрлаш ва улар бўйича маълумотлар базасини яратиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий, ўрта асрлар ва замонавий вертикал иншоотлар, шунингдек жаҳон шаҳарсозлигида акцент ясовчи бинолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон ҳудудида мавжуд вертикал иншоотларнинг композицион қонуниятлари ҳамда хусусиятлари ҳақидаги фактологик, тарихий, илмий ва лойиҳавий материаллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида статистик, қиёсий, интернет материаллари ва меъморий лойиҳаларни таҳлил қилиш, кузатув, илмий маълумотларни тизимлаш, қиёсий таҳлил қилиш ва умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган вертикал иншоотлар асосан IX-XII асрлар, XIV-XVI асрлар (темурийлар даври) ва XVIII-XIX асрлар (хонликлар даври)да шаклланганлиги аниқланган;

жомеъ масжидларининг аксарияти шаҳар марказидаги йирик бозорлар ва майдонларда жойлашганлиги сабабли масжид миноралари шаҳарнинг

меъморий кўринишида композициявий ядро – доминант вазифасини бажарганлиги аниқланган;

шаҳарлар композициясини шакллантиришда вертикал иншоотларнинг умумшаҳар композициясида ядро вазифасини бажарувчи – доминант, шох кўчалар йўналиши якунини белгилаб берувчи – якунловчи, шаҳар режасидаги композициявий визуал ўқ бўйлаб ўтган кўчалар панорамасини шакллантирувчи – йўналтирувчи, шаҳар силуэтида муҳим ўринга эга тик қурилмалар мажмуи – ажратувчи каби уйғунлик мезонлари асослаб берилган;

Тошкент вилоятида жойлашган «Улуғ Соғота» зиёратгоҳи ҳамда «Шайх Умар Боғистоний» тарихий-меъморий мажмуаси вертикал иншоотларининг анъанавий шаҳарсозлик базасида туризмни ривожлантиришга қаратилган график лойиҳа таклифлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

замонавий шаҳарсозликда вертикал композицияларни самарали жойлаштириш, уларнинг анъанавий вертикал композициявий ечимларини яратиш таклифлари ишлаб чиқилган;

замонавий шаҳарларни сақлаш, қайта қуриш ва туризмни ривожлантириш концепциялари яратилган;

истиқболли бош режаларни лойиҳалашда анъанавий вертикал композицияларни сақлаб қолиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндашув ва назарий маълумотларнинг экспериментал лойиҳалаш орқали амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилганлиги билан жорий этилган натижаларнинг соҳага тегишли республикадаги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг республика лойиҳалаш ташкилотларида амалиётга жорий этилганлиги тўғрисидаги далолатномалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шаҳарсозлик соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга қадимий шаҳарларнинг тарихий кўриниши, силуэти, панорамасининг асоси бўлган анъанавий вертикал композицияларни бунёд этиш омилларини аниқлаш, ўқув жараёни материалларини яратиш ва шу орқали замонавий шаҳарсозлик соҳасининг шаклланиши учун фойдаланишда кенг имкониятлар яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг анъанавий шаҳарсозлик тизимидан самарали фойдаланиш қирраларини очиб беришга, вертикал композицияларни маданий мерос объекти сифатида асраб қолишга, шаҳар қадимий силуэти панорамасини сақлашга, қайта қуриш ва модернизация қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган лойиҳа ечимларининг сифатини оширишга, шунингдек ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий савиясини оширишга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шаҳарлар композициясини шакллантиришда вертикал иншоотлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шаҳарлар композициясини шакллантиришда вертикал иншоотларнинг умумшаҳар композициясида ядро вазифасини бажарувчи - доминант, шоҳ кўчалар йўналиши охирини белгилаб берувчи - яқунловчи, шаҳар режасидаги композициявий визуал ўқ бўйлаб ўтган кўчалар панорамасини шакллантирувчи - йўналтирувчи, шаҳар силуэтида муҳим ўринга эга тик қурилмалар мажмуи - ажратувчи каби уйғунлик мезонлари юзасидан олинган натижалар Ф.1-86 рақамли «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафқураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш» (2011-2016 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг «Шаҳарсозликда вертикал композицияларнинг ўрни» бўлимини шакллантириш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 89-03-1884-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон шаҳарсозлигида вертикал композицияларнинг тарихий-меъморий мезонларини белгилаш, шаҳарсозлик анъаналарининг қадимдан вужудга келганлиги ва тараққий этганлиги хусусида аниқ хулосалар чиқариш имконини берган;

қадимий вертикал иншоотлар шаклланишининг даврий босқичлари, анъанавий ва замонавий вертикал композицияларнинг композицион ҳолати, ўрни, типологик хусусиятлари, меъморий-қурилмавий ва бадий кўрсаткичлари бўйича олинган илмий натижалар ва график лойиҳа таклифлари Тошкент вилояти Қурилиш бош бошқармаси томонидан «Улуғ Соғота» зиёратгоҳи ҳамда «Шайх Умар Боғистоний» тарихий-меъморий мажмуаси қурилишида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 7 майдаги 3242/09-07-сон маълумотномаси). Натижа вертикал иншоотларни барпо этишда қўлланиладиган қурилиш меъёрлари ва қоидаларини такомиллаштириш имконини берган;

Ичан қалъа худудидаги қадимий вертикал иншоотларнинг меъморий-қурилмавий ва бадий кўрсаткичлари бўйича олинган илмий натижалар Ичан қалъа музей кўриқхонаси фаолиятида вертикал объектларни таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда «Ичан қалъа обидалари»нинг электрон базасини яратишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги Маданий Мерос Департаментининг 2020 йил 12 июндаги 01-02-БМ/294-сон маълумотномаси). Натижа Ичан қалъанинг халқаро сайёҳлик йўналишига киритилган ноёб меъморий ёдгорликларини таъмирлаш ва сақлаб қолиш усулларини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий ишлар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, 1 та хорижий журналда мақола, 7 та халқаро ва 15 та республика конференция материалларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 2 та жилддан ташкил топган. I жилд матн қисми бўлиб, унинг ҳажми 144 бет: кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан, II жилд альбом шаклида бўлиб, режалар, чизмалар ва фото суратлардан иборат. Тақдимот материаллари 42x59 см ўлчамли А2 форматдаги 50 та планшетларда диссертация ҳимоясига мўлжалланиб, тақдимот учун тайёрланган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг 1-боби **«Қадимий шаҳарларнинг шаклланишида вертикал композицияларнинг аҳамияти»** деб номланиб, анъанавий вертикал композициялар типологияси, турли шаҳарсозлик жараёнида уларнинг таъсирчанлик хусусиятларини сақлаб қолиш имкониятларини аниқлашга бағишланган.

Вертикал композициялар бунёд этилиши ва жойлашуви ўз навбатида ҳар бир давр шаҳарсозлик тизими, тузилишига ҳам боғлиқ бўлган. Шаҳарларнинг тузилишига табиий шароитлар кўпроқ таъсир қилган ҳолатларда, масалан тоғлиқ ўлкалар, дарё ва денгиз қирғоқларида шаклланган шаҳар тизимидаги вертикал композициялар паст-текисликлар, чўл-сахро ҳудудларида барпо этилган шаҳар-масканларниқидан фарқланиши аниқланган.

Анъанавий вертикал композициялар типологиясини белгилаб, турли шаҳарсозлик жараёнида ҳам уларнинг таъсирчанлик хусусиятларини сақлаб қолиш имкониятларини аниқлашга бағишланган.

Қадимий шаҳарларда вертикал композицияларнинг шаклланиш тамойиллари бўлимида шаҳар ва бу турдаги масканларнинг пайдо бўлиши, уларнинг босқичма-босқич ривожланиши турли шарт-шароитлар таъсирида маълум тархий, ҳажмий ва маконий шакллардаги шаҳарсозлик тизимини яратилиши³⁶ ўрганилган. Минораларнинг ислом жамиятида қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунишга уринишда олимлар турлича ёндошмоқда. Шарқ меъморчилиги тадқиқотчиларидан К.А.Кресуэлл³⁷ Мисрдаги Фарос маёғининг зилзиладан бузилган қолдиқларини ўрганиб ва масжидларнинг тикланган саналаридаги чалкашликларни аниқлаб, «Қоҳирада масжид миноралари қурилиши авж олган вақтда, бу маёқ, умуман бузилиб, фақат пойдевор тошлари сақланган, 796-797 йилларда эса вайрона ҳолда бўлган»-деб ёзади. Қоҳира миноралари қурилиши саналари, уларнинг жойлашувини тадқиқ қилган бу олим Фарос маёғи Миср миноралари шакли, меъморий ечимининг келиб чиқишига таъсир қилмаган деган хулосани берган.

³⁶ Асанов А.А. О некоторых конструктивных особенностях среднеазиатских минаретов. в ж. «Строительство и архитектура Узбекистана». 1973. № 4; Аскарлов Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. – Ташкент: Издательство журнала «Санъат», 2014. – С. 179; Аскарлов Ш. Д. Регион-пространство-город. М.:Стройиздат, 1988.С.184; Бархин М.Г. Архитектура. М.1979; Лавров В.А. Город и его общественный центр. – М.: «Стройиздат», 1964. – С. 23.

³⁷ К.А.С.Сресвелл. The evolution of the minaret with special reference to Egypt. The Burlington Magazine. 1926. March-June.

Л.Н.Воронин миноралар келиб чиқиши масаласини кенг кўламда, яъни Ўрта Осиё, Яқин Шарқ, Мисрдаги намуналарида тадқиқ қилади³⁸. Лекин, олимнинг фикрича, миноралар қурилиши халифалик ҳудудларининг кенгайиши ва исломнинг христиан жамоатлари орасида ривожланганлиги билан боғланган. У «Миноралар прототиби христианлар черковининг тўғри бурчакли минораларидан бошқа нарса эмас» - деган хулосани беради. Шунингдек, Л.Н.Воронин миноралар Суриядан ғарбга, Миср ва Испанияга мураккаблашган ва ўзгарган шаклда тарқалган. Шарқда эса халифалик пойтахти Бағдодга кўчирилгандан сўнг Месопотамия ва Эронга ўтган, Марказий Осиё миноралари эса Эрон минораларининг турларидан бири деб ҳисоблайди.

Қадимий Шарқ мамлакатларидаги шаҳарлар вертикал композицияси шаклланишида тепаликлар ёки ҳукмдорлар қасри, саройи, кўрғонлари ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан: Бухоро Арки, Самарқанддаги Темурийлар давридаги Кўксарой жойлашган қалъа, Қўқондаги Худоёрхон Ўрдаси анъанавий шаҳарсозлик вертикал композициясини белгиловчи иншоотлар қаторига киради.

Илк шаҳарсозлик вертикал элементлари бўлимида Ғарб ва Шарқ меъморчилиги ва шаҳарсозлиги шаклланишининг илк босқичларидаёқ шаҳар композициясида уч ривожланиш йўналиши юзага келганлиги: 1. Тарҳий-режавий композициялар; 2. Ҳажмий-шаклий композициялар; 3. Шаҳар умумий кўриниши - силуэт, панорама композицияси³⁹ таҳлил қилинган.

Шаҳарлар ташқи кўринишида вертикал иншоот бўлган масжид миноралари ҳар бир шаҳар вертикал композициясининг акцентига айланган. Меъморлар Бухоро вилоятида бу типдаги кичик ва ўрта иншоотларни яратиб, бадиий кўринишни услублаштиришга ва қадимги Калон минораси нисбатларига риоя қилишга ҳаракат қилганлар.

Ўрганилган давр меъморлари Бухоро вилоятида бу типдаги кичик ва ўрта иншоотларни яратиб, бадиий кўринишни услублаштиришга ва қадимги Калон минораси нисбатларига риоя қилишга ҳаракат қилганлар. «Кейинчалик кичик ўлчамдаги миноралар мос равишда фонарларнинг камар тешиклари ва юзасининг декоратив нақшлари сонини камайтирди. Бу ҳам XVI асрда Мир-Дўстум масжидидаги энди йўқолган минорадир»⁴⁰.

Чорсутон масжиди (X аср) муайян даврларда Жомеъ ва баъзида намозгоҳ масжид вазифасини бажарган кўринади. Бу масжид тарҳи мурабба (тахминан 10x10 метр), ҳовли бурчагида жойлашган, бостирма сифатидаги устун - гумбазли иншоот бўлган⁴¹. Масжидларни минораларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мусулмон диёрида бунёд этилган ушбу иншоотлар азон айтилиб, мусулмонларни намозга чорлашга хизмат қилган. Дастлабки қурилган миноралар Ўрта Осиёда сақланиб қолмаган бўлсада, уларни қурилиш хом

³⁸ Воронин Л.Н. Сооружения башенного типа в архитектуре Востока и их генезис. Труды САИИ. вып 1. Т.1937.

³⁹ Бархин М.Г. Город, структура и композиция. М.1986; Справочник проектировщика, Градостроительство. М. Стройиздат 1978.

⁴⁰ Юсупова М.А. Минареты бухарской школы зодчества XII-XVII вв. // Духовное наследие и современная культура: текстология, освоение и изучение. Материалы Международного научного симпозиума. Алматы, 2006. с. 13-20.

⁴¹ Шишкин В.А. «Курган» и мечеть Чор-Сутун в развалинах Старого Термеза. // Труды АН Уз ССР, серия I, ТАКЭ, т II, Ташкент 1945. С. 100.

ашёси яъни, аввал хом ғиштдан кейинчалик пишиқ ғиштдан бунёд этилганлиги ҳақида маълумотлар бор. XI асрдан буён мазкур обидалар тамоман пишиқ ғиштдан қурилиб, иншоотнинг бир неча горизонтал белбоғларига эпиграфик безаклар берилганлигини кўриш мумкин. Ғиштлар нақшинкор ишланиб миноранинг юзасига терилган, белбоғ қисми эса нақшли муқарнасдан бўртма гулли горизонтал кўринишда ишланган. Улар бизгача етиб келмаган жомеъ масжидларининг бир бўлаги бўлган⁴².

Азон айтиб, мусулмонларни намозга чорлашда хизмат қилган миноралар жомеъ масжидларнинг ажралмас қисми бўлган. Ўрта Осиёдаги дастлабки миноралар сақланиб қолмаган, бироқ улар хом ғиштдан қурилиб, кейинчалик айримлари пишиқ ғишт билан қоплангани маълум. XI асрдан бошлаб минораларнинг кўпи буткул пишиқ ғиштдан ишланиб бир неча горизонтал белбоғларга эпиграфик безак берилган. Миноранинг юзасига ғишт нақшинкор терилган, нақшли муқарнасдан бўртма гулли горизонтал белбоғ қилинган. Бу унсурлар ҳозир сақланиб қолмаган жомеъ масжидларнинг бир қисми бўлган⁴³.

Термиз шаҳридаги Чорсутун масжиди ёнгинасида ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида мавжуд бўлиб, айна пайтда бузилиб кетган миноранинг қурилиш услуби диққатга сазавордир. Марказий Осиёдаги пишиқ ғиштдан ишланган, кўхна миноралардан ҳисобланган ушбу обиданинг баландлиги 13 метр ва диаметри 3 метр бўлган цилиндрсимон, танаси саккиз қиррали пойдеворда турган. Миноранинг аҳамиятли томони унинг тузилиш услуби бўлиб, иншоот Ўрта Осиёдаги ягона цилиндрсимон минора ҳисобланади. Қолган барча миноралар конуссимон бўлиб, юқорига қараб бироз ингичкалашиб боради. Бу минорада айланма зина бўлиб, муаззин туришига мўлжалланган майдонча – қафасага олиб чиққан. Бу майдонча даставвал тахминан 16-18 метр баландликда бўлган⁴⁴.

Арабистондан шимолий ва шимолий-шарқий томонларидаги ҳудудларда шаклланган миноралар меъморчилиги Мағриб ва Яқин Шарқдаги қурилмалардан фарқ қилиб, уларнинг шаклланиш жараёни ўзгача йўналишда содир бўлган. Масжидга кираверишда, асосан, жомеъ ёки йирик масжидларда «мил» деб номланган баланд қурилма ишланган⁴⁵.

Анъанавий шаҳарсозликда вертикал композицияларнинг ҳажмий ечимлари бўлимида ўрта асрлар жаҳон шаҳарсозлигида ҳажмий-маконий композициявий тизимнинг вертикал ечимлари шаҳарлар пайдо бўлиши билан бирга намоён бўлганлиги таҳлил қилинган. Қулдорлик ва ўрта асрлар даврида маълум масканларда аҳолининг жамланиши ва у ерда савдо, хунармандчилик, маъмурий марказлар фаолияти бошланган. Ҳукмдорлар томонидан бу жойларни мустаҳкам истехкомли деворлар билан ўраб олинган, хусусан аксарият ҳимояга мўлжалланган қурилмаларни бунёд эттирганлар. Уларнинг баланд қилиниши дастлабки вертикал композицияларга асос бўлганлиги ўрганилган.

⁴² Шишкин В.А. «Курган» и мечеть чор-стун в развалинах старого Термеза. // Труды АН Уз ССР. Серия I, ТАКЭ, т II, Ташкент 1945. С. 100.

⁴³ Юсупова М.А. Термезнинг ўрта асрлар меъморчилиги // Термиз. Тошкент, 2001, 49-бет

⁴⁴ Прибыткова. Строительная культура Средней Азии IX-XII вв. М. 1973. С.213.

⁴⁵ Всемирная история архитектуры. Том 8. М.1968.

Ҳар бир қадимий шаҳарнинг анъанавий вертикал композициясини Шарқда баланд миноралар, минорасимон қурилмаларга эга диний иншоотлар ташкил этса, Ғарбда черков миноралари, ратуша, шаҳар маъмурияти бинолари ташкил этган⁴⁶.

Маълум визуал ўқ бўйлаб тик вертикал композициявий кўринишни шакллантиришга интилиш кучайган. Тошкентда «Чорсу», «Ўзбекистон» меҳмонхоналари, кейинчалик қурилган «Интерконтинентал» меҳмонхонаси, «Банклар уюшмаси» мажмуаси бинолари шаҳарнинг шарқ-ғарб, шимол-жануб йўналишларидаги ўқлари орқали бу ҳудудда жойлашган шоҳ кўчалар билан боғланган шаҳар қисмларининг вертикал композициясини белгиловчи акцент иншоотларга айланган⁴⁷.

Ўзбекистон ҳудудидаги минораларнинг типологик асослари

№	Жойлашуви	Функционал хусусияти	Типологик белгилари			
			Умумий шакли	Тури	Баландлиги	Безаги
1	2	3	4	5	6	7
1	Алоҳида, мустақил жойлаштирилган	Қоровул хона	Конус-симон,	Мезана ва пойсуфа ҳажмдан қисман чиқарилган Мезана ва пойсуфа ҳажмга қўшилган	Шаҳар иншоотларидан анча юқори шаҳар қурилмалари қаторида	Ғишт термасида силлиқланган ғиштин безаклар сиркор кошин қопламали
	Шаҳар марказида	Азон, кузатув	Цилиндрик киррали,			
	Иморат олдида	Азон	Гофррали,			
	Ҳовли марказида	Азон	Қўш бўғинли			
2	Иншоот ҳажмида	Декоратив	Цилиндрик	Муқарнас шарафали	Бинодан юқорида	Сиркорий безаклар гириҳ, ислими нақшлар ва арабий ёзувлар
	Бурж миноралар	Декоратив	Конус-симон	Муқарнас шарафали		
	Пештоқ гулдасталари	Декоратив	Конуссимон, ғўласимон	Мезанали шарафали		
	Дарвозахоналар юқорисида	Азон	Цилиндрик	Мезанали	Атроф иншоотлар қаторида	Камтарона ҳашамли

Вертикал акцент иншоотларнинг шаҳарлар композициясидаги тикланиш ва турли вазифаларни бажариш асослари номли бўлимида замонавий шаҳарсозлик композициясида вертикал акцент иншоотлар ХХІ аср бошларигача Ўзбекистонда фақат маълум чегараланган ҳудудлар миқёсида

⁴⁶ Юргин Ёдиқе. История современной архитектуры. М.1972.

⁴⁷ Аскарлов Ш.Д. Архитектура Узбекистана и стран СНГ. – Ташкент: Издательство журнала «Санъат», 2012. – С. 82; Спивак В.Л. Асанов А.А. Пестрикова С.А. Гостиница «Москва» в г. Ташкенте. Архитектура и Строительства Узбекистана. Т 2010; Ашрафи Ф.М.Контрер Р.Л. Гостиница. «Узбекистон» на 930 мест в.г.Ташкенте. Строительства и Архитектура Узбекистана. №1. 1975 .

айрим вазифаларни бажариш учун бунёд этилган. Ҳозирда осмонўпар тик иншоотлар қурилишига талаб ва зарурият кескин туғилмоқда.

Энг баланд ва маълум даражада вертикал акцент вазифасини бажаришга қаратилган жамоат биноларидан бири Ўзэкспомарказ мажмуаси яқинида жойлашган. Баландлиги 101 метр бўлган Ўзбекистон Миллий банки биноси, Бизнес-марказ ва Интерконтинентал меҳмонхонаси билан биргаликда замонавий вертикал композициянинг Тошкент миқёсидаги талқини деб ҳисоблаш мумкин. Тошкент шаҳри силуети, яъни шаҳарнинг ташқаридан кўриниши меъморий жиҳатдан деярли шаклланмаган. Бухоро, Самарқанд шаҳарларига киришда сезиладиган ўзига хослик пойтахтда мавжуд эмас.

Вертикал акцент қурилма ва иншоотлар шаҳарлар композициясида шаҳарсозлик ғояси ҳамда режаларига кўра замонавий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда турли вазифаларни бажаради. Илк шаҳарсозлик ривожланиш босқичларида ҳукмдор ўрдаси тепаликда баланд кўрғон, сарой, қаср каби мустаҳкам истехком сифатида атроф - қурилмалардан баланд акцент кўринишини олган.

XX асрнинг охири ва XXI асрда жаҳон архитектураси ва шаҳарсозлиги асосида «Ақлли архитектура» принциплари, яъни энг замонавий технологиялари, сифатли қурилиш материаллари, кўп функцияларни амалга оширишга имкон берадиган қурилмалар ётади. Улар ёрдамида бунёд этилган осмонўпар иншоотларда инсон ҳаётининг барча кўринишларига жавоб берувчи қулайликлар яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, «Буржи Халифа» биноси Сингапур, Малайзия, Хитой, Гонконг, Япония, Корея республика каби давлатларда қурилган ва қурилаётган осмонўпар кўп функцияли иншоотларнинг энг юксак намунасидир. Бугунги кунда Тошкент шаҳри вертикал композицияси ва силуетида қадимийлик билан замонавийлик ҳамоҳанг кўриниш олган.

Диссертациянинг 2-боби «**Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги илк вертикал композицияларнинг тараққиёт йўллари**» деб номланиб, унда Ўзбекистон шаҳарсозлигида вертикал композицияларнинг тараққиёт босқичларини тадқиқ этилган ҳамда уларнинг тизимли шаклланишини даврий нуқтаи назардан кўриб чиқилган.

Анъанавий шаҳарсозликда вертикал иншоотларнинг шаклланиши ва даврий босқичларда такомиллашуви бўлимида жаҳон меъморчилигида барча даврларда ҳам тик, юксакликка интилган иншоотлар қуришга эътибор катта бўлганлиги, бу ўз навбатида баланд осмонўпар иншоотлар, биноларни пайдо бўлишига олиб келганлиги, пирамидалар, зиккурат иншоотлари (поғона шаклли қурилмалар) ўрганилган.

Вертикал иншоотларнинг жаҳон меъморчилигида энг қадимгиларидан бири ҳисобланган зиккуратлар диний иншоотлар бўлиб, уларнинг аксарияти қадимий Месопотамия (ҳозирги Ироқдаги икки Фрот ва Дажла дарёлари оралиғидаги ўлка) ҳудудида, мил.авв. 3-минг йилликлар охирида шаклланган Шумер ва Аккад давлатлари пойтахти бўлган Ур шаҳрида кўплаб бунёд этилган. Тадқиқотчилар Бобилдаги афсонавий минорасимон иншоотнинг шакли ҳам зиккурат бўлган деб ҳисоблашади. Унинг томонлари 91,5 м ни, баландлиги

эса 90 м ни ташкил этган. Аҳамонийлар сулоласи ҳукмрон бўлган Эрон томонидан бу ўлкалар босиб олингандан сўнг зиккуратлар қурилиши тўхтаган.

Бошқа мутахассислар эса минораларни Месопотамия зиккуратларининг тўғридан-тўғри авлодлари деб ҳисоблашган. Кўпчилик, IX асрнинг ўрталарида Ироқнинг Самарра шаҳрида қурилган 50 метрли (162 м) спирал минорани Малвия (Зиккурат) билан ўхшашлигини таъкидлайди⁴⁸.

Қадимда Ўзбекистон ҳудудида зардуштийлик ва буддавийлик динлари кенг тарқалган даврларда, улар билан боғлиқ вертикал иншоотлар, кўп ҳолларда, шаҳар туридаги масканлар таркибидан ташқарида қилингани археологик тадқиқотлардан маълум. Шулардан бири, ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудида аниқланган, Чилпик қалъа археологик ёдгорлигидан топилган.

Мил. авв. II-I асрларга оид вертикал иншоотларнинг Ўзбекистон ҳудудида нисбатан тўлиқ сақланган кўринишини Қадимги Термиз яқинидаги буддавийлик ибодатхонаси таркибида бўлган Зурмала ступаси намоён этади. Тахминларча, тўрт томони зинавор поғонасифат баланд суфага ўрнатилган юқори қисми гумбазсимон шаклга эга бўлган бу иншоотнинг дастлабки баландлиги 18 метрга етган.

Ўзбекистон ҳудудида илк антик даврга оид иншоотлардан яна бири, мил. авв. III асрларга тааллуқли Қўйқирилган қалъа ҳам антик давр Хоразм шаҳарсозлигининг нодир намунасидир. Тадқиқотчилар фикрича, марказида диаметри 42 м бўлган баланд иншоот жойлашган айлана тарҳли ва бир неча қатор қалин девор билан ўралган бу қалъа эҳромлар мажмуаси бўлган⁴⁹. Айрим тадқиқотчилар эса бу улкан расадхона қолдиқлари деб хулоса қиладилар.

Амир Темур ва темурийлар даври меъморчилигининг шоҳ асарлари Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари замонавий вертикал композициясида ҳам ҳануз ўз мавқеини йўқотмай келади. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент каби шаҳарларнинг туристик салоҳиятини белгиловчи анъанавий вертикал иншоотларни асраш учун шаҳарларнинг самарадор бош режаларини яратиш зарур.

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги вертикал композицияларнинг турлари номли бўлимида шаҳарлар умумий вертикал композициясида меъморий меросни намоён этган вертикал иншоотларни замонавий шаҳарсозлик жараёнида асраш масаласи, анъанавий шаҳарсозликнинг қадимий шаҳар силуэти, вертикал композицияларида муҳим ўрин тутган иншоотлар турлари тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон ҳудудида ўрта аср анъанавий шаҳарсозлиги ва меъморчилигидаги вертикал иншоотлар турлари асосан IX асрдан бошлаб, исломий мафқуранинг Марказий Осиёда тўлиқ ҳукмрон бўлган вақтдан шаклланиши бошланган меъморчилик билан боғлиқдир. Айниқса, маҳобатли пештоқлар, баланд пойгумбазли минорасимон гулдаста-буржлар Марказий Осиёнинг ўрта аср шаҳар ва масканларида асосий вертикал иншоотлар бўлиб қолди. IX-X асрларда тик миноралар қурилиши билан шаҳар жомеъ

⁴⁸ Bloom J. Minaret: Symbol of Islam, Oxford Studies in Islamic Art VII, Oxford, 1989

⁴⁹ Нильсен В.А. Архитектура Средней Азии (V–VIII вв.). – Тошкент: «Фан», 1966. – С. 321–329.

масжидлари шаҳар марказлари вертикал композицияси шаклланган бўлсада, XV-XVII асрларга келиб меъморий ансамбллар, мажмуалар шаклланишида маҳобатли мақбаралар, мадрасалар, хонақоҳларнинг маҳобатли ҳажмлари ўрта аср шаҳарларининг вертикал композициясининг асосига айланди.

Ўрта асрлар вертикал иншоотлари турида Мирзо Улуғбек томонидан Чўпон Ота тепалигида қурдирилган расадхона иншооти алоҳида ўрин тутади. Абдуразоқ Самарқандийнинг ёзишича, у узокдан ниҳоятда салобатли кўринган. Улуғбек расадхонаси Афросиёб тепаликларининг шимолий-шарқий қисмидаги баландликда жойлашгани учун бу ердан темурийлар даврига оид шаҳар панорамаси яққол кўринади.

Шаҳарсозлик тамойилларида вертикал композициялар силуэти ва панорамаси бўлимида Ўзбекистон шаҳарсозлигидаги вертикал композицияларнинг шаклланиши, янгича меъморий ғоялар, ечимлар, қурилиш технологияси, ижтимоий-сиёсий тузилмаларнинг турлича кўринишлари таъсирида анъанавий шаҳарсозлик ва меъморчиликдан буткул фарқ қилувчи йўналишлар ўрганилган.

Шаҳарсозликнинг Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида тарихан шаклланган тизимига ёнма-ён, анъанавий кўринишлардаги ечимлардан кескин фарқ қилувчи шаҳарсозлик тизими XIX аср охири - XX аср бошларида ўлканинг барча йирик шаҳарларида пайдо бўлган. Европа ва Россия шаҳарсозлигида вужудга келган тарҳий-меъморий ечимларга асосланган бу тизим Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон каби тарихий шаҳарлар ҳудудида шаклланган.

Замонавий шаҳарсозликда вертикал композицияларни ташкил этувчи иншоотларнинг меъморий имкониятлари бу композицияларнинг турли кўринишларини, турларини белгилаб беради. Тошкент марказий майдонининг вертикал композициясини чўзиқ, тўғри тўртбурчак тарҳ ва тарзга эга бўлган кўп қаватли бинолар ҳамда алоҳида турган 10 қаватли маъмурий бино ташкил этган бўлса, Хадра майдони кўп қаватли турар-жойлар ҳамда цирк биноси меъморий ечимдан келиб чиққан. Вертикал композициялар замонавий Ўзбекистон шаҳарсозлигида ҳар бир шаҳарнинг марказий майдони композициясидаги маҳобатли иншоотлар меъморий-ҳажмий ечимдан келиб чиққан.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан сўнг миллий меъморий - шаҳарсозлик меросига асосланган ҳолда ривожланиш йўналишига ўтган бўлсада, уни амалга ошишида турли муаммоларга дуч келмоқда. Кўп қаватли ва тик, баланд иншоотларни бунёд этишнинг миллий ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган усуллари ҳануз ишлаб чиқилмаган. Мовий гумбазлар, пештоқлар, устункор айвонлар фақат меъморий мажмуалар вертикал композицияларини бойитсада, шаҳар умумий силуэтида сезиларли таъсирга эга эмас. Ўта вертикал акцент иншоотларни бунёд этиш амалиёти, Тошкент телеминорасини айтмаса, Ўзбекистон шаҳарсозлигида ҳозирда кузатилмайди.

Диссертациянинг 3-боби «**Вертикал иншоотлар қурилмаларининг хусусиятлари, минораларнинг қурилиш услублари ва ашёларига оид маълумотлар таҳлили (Хоразм миноралари мисолида)**» деб номланиб,

XIX асрнинг ўрталарига келиб вертикал иншоотлар кўриниши, вазифалари, капиталистик дунёқараш, бозор иқтисоди, фан-техника тараққиётига қараб турлича кўриниш олганлиги кўриб чиқилган.

Вертикал иншоотларни тиклашда қурилмаларнинг мустақамлик хусусиятлари номли бўлимида металлнинг қурилишга тадбиқ этилиши жаҳон меъморчилигида ўзига хос кескин бурилишга сабаб бўлди. Француз инженери Густав Эйфел лойиҳаси асосида қурилган минора Париж ва Франциянинг тимсолига айланди. Бу муҳандис Нью-Йоркдаги «Озодлик» ҳайкалини улкан металл каркасини ҳам яратган.

Замонавий меъморчиликда ойнаванд, пўлат каркасли бинолар меъморчилиги жадал юксалди. Вертикал ва горизонтал белбоғлар билан бўлинган призмасимон тик иншоотлар жаҳоннинг ҳар бир мамлакатида ўта баланд кўринишни олди. Оқилона лойиҳаланган, жойлаштирилган баланд ва тик акцент иншоотлар ўзларининг меъморий ечимлари, кўринишлари билан умумшаҳар вертикал композициясини бойитиши мумкин.

Баланд акцент қурилмаларида зилзилага бардошлик масалаларидан ташқари ёнғин хавфсизлиги муаммоси ҳам юзага келади. Бу ҳолат акцент иншоотларнинг қурилмавий ечимида хавфсизлик тадбирларини ўта маъсулият билан қўллаш зарурияти бугуннинг долзарб вазифасидандир.

Қадимий минораларнинг қурилиш услублари ва архитектуравий тузилиши (Хива миноралари мисолида) деб номланган бўлимида жаҳон меъморчилиги ва шаҳарсозлигида акцент, баланд вертикал қурилмаларнинг типологияси, келиб чиқиш асослари, вазифалари ҳар бир минтақада ўзига хос турли асослари ўрганилган. Шунингдек, тик иншоотлар ҳисобланган - алоҳида минораларнинг тикланишга доир турли индикаторларни таҳлил қилиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистоннинг турли тарихий шаҳарларида ҳам бир қатор миноралар тикланганки, улар айлана шакли вертикал иншоотлар кўринишида бўлганлиги сабабли, уларнинг меъморий композицияси пойдеворидан бошлаб тепага қисқариб борган. Шунингдек, минора қурилишида кўплаб табиий факторлар, яъни шамол оқими, сейсмик чайқалишлар, ер қатламларини тузилиши кабиларни инобатга олиш қатъий талаб қилинган.

Хива миноралари ўзининг динамикавийлиги, юқорига томон кескин торайиши, безалиши билан бошқа ҳудудлардаги миноралардан фарқ қилади. Миноралар конус шаклда юқорига томон торайиб борган ҳолатда қурилади. Энг юқорисига ўзига хос фонуссимон гумбаз ишланган. Ҳар жой, ҳар жойда кичик туйнуклар қўйилган бўлиб, улар орқали минора ичига ёруғлик тушган. Юқори қисмида дарчалар бўлиб, уларга ганчкор панжаралар ўрнатилган. Баландлиги ва безалиши турлича. Айримлари кошин билан безалган. Ҳозирда Хивада 16 та катта-кичик миноралар мавжуд.

Маълумки, шарқ халқлари ҳақида сўз борганда кўз ўнгимизда кўкка бўй чўзган миноралари бор шаҳарлар гавдаланади. Лекин мазкур минораларнинг барчаси ҳам бир хилда эмас. Улар меъморий жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Мамлакатимизда жойлашган миноралар ҳам ўзига хос бўлиб, айниқса Хоразм миноралари бунда алоҳида ўрин туради. Ичан қалъада

жойлашган миноралар бир қатор қилиб қурилган бўлиб, улар Полвон Қорий, Саидниёз Шоликорбой, Жума Мачит, Калта Минор ва Шайх Қаландар бободан иборатдир. Мазкур обидалар шаҳарга ўзига хос улуғворлик бахш этиб турибди⁵⁰.

Алоҳида тикланган минораларнинг меъморий тузилишини АКТ (ахборот коммуникация технологиялари) ёрдамида моделлаштириш номли бўлимда илғор замонавий технологияларни қўллаган ҳолда миноралар ўлчамларини олиш ва схематик чизмаларини тайёрлаш муаммолари кўриб чиқилган.

Хивадаги Саидниёз Шоликорбой мажмуаси 1835-1842 йиллар давомида бунёд этилган. Тадқиқотлар натижаларига асосан, ушбу мажмуанинг пишган ғиштдан чиройли қилиб тикланган минорасининг табиий ва инсон фаолияти билан бўлган салбий таъсирлар натижасида (ушбу ҳудудда ер ости сувларининг кўтарилиши, транспорт қатнови натижасида ва сув оқава тизимларининг носозлигидан) миноранинг қийшайганлиги ва унинг техник ҳолати қониқарли эмаслиги аниқланди. Оғир миноралар пойдеворлари эса, 3 м ва ундан ҳам чуқурга қўйилган. Масалан, Саидниёз Шоликорбой масжид минорасининг пойдевор чуқурлиги - 3,5 м. Ислон Хўжа минорасининг пойдевор чуқурлиги эса - 5,0 м ни ташкил қилади⁵¹.

